

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

АМАЛИЙ ЭТНОЛОГИЯ ЛАБОРАТОРИЯСИ

**“ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР:
ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА РИВОЖЛАНИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ”**

мавзусида халқаро илмий-амалий конференция

материаллари

Тошкент - 2023

Масъул муҳаррир: т.ф.д., профессор Р.Х. Муртазаева

Таҳрир ҳайъати: т.ф.ф.д., доцент в.б Р.Х.Хомитов
т.ф.н., катта илмий ходим И.Хўжахонов
катта илмий ходим Х.С. Сулаймонов
стажёр – тадқиқотчи О.Солижонов

Ушбу тўплам кўпмиллатли Ўзбекистон Республикасида миллатлараро тотувлик масаласига оид давлат сиёсатининг энг муҳим жиҳатлари бўйича маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларининг илмий ишларини ўз ичига олади.

Унда халқларнинг этник тарихи, турфа миллатларнинг диаспорлари тарихи, Ўзбекистон Республикасидаги миллатлараро барқарорлик ва динлараро бағрикенглик масалаларига оид мақолалар ўрин олган.

Халқаро илмий – амалий конференция тўпламидан кенг китобхонлар, ижтимоий фан соҳа вакиллари ҳамда амалиётчилар фойдаланишлари мумкин.

Тақризчилар: т.ф.д. проф.в.б К.Д. Саипова
т.ф.ф.д., доцент Ф.Адилов

Мақола муаллифлари тадқиқотларида келтирилган маълумотлар, рақамлар учун масъулдир.

Мазкур тўплам Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети Тарих факультети Илмий Кенгашининг 27 декабрь 2023 йилдаги 4 - сонли мажлис қарори ҳамда “Амалий Этнология” лабораториясининг 20 декабрь 2023 йилдаги 6 - сонли мажлис қарори билан нашрга тавсия этилди.

гречески *Дружба*)⁶. Федерация издает газету, организует фольклорные мероприятия и помогает в изучении греческого языка и культуры.

Таким образом, греки на территории Центральной Азии, появившись еще в период Античности, занимали важное место в межэтнических и межконфессиональных связях на этой территории. За годы проживания в регионе греческая диаспора внесла свой вклад в культурное и экономическое развитие республик Центральной Азии. Следует сказать, что Центральноазиатские республики выступают за сохранение духовной и культурной общности народов, обеспечение защиты этнической, языковой, культурной и религиозной самобытности этнических групп, создание условий для их равноправного участия в культурной, социальной, экономической и политической жизни.

БУХОРО ТУРКМАНЛАРИ МИЛЛИЙ КИЙИМ-БОШЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

А.И.Тўраев

Бухоро давлат университети
“Жаҳон тарихи” кафедраси катта ўқитувчиси

Анъанавий халқ кийимлари ҳар бир этнос вакилларининг моддий ҳаётини, жамиятдаги ўрнини, диний қадриятларга бўлган муносабатини ўрганишда муҳим ўрин эгаллаб келган. Этнологияда кийимлар кишининг ёшига қараб болалар, катталар, кексалар либосига; одамларнинг жинсига мос равишда эркаклар ва аёллар кийими; кийиниш мақсадига мувофиқ байрам, маросим, кундалик ва иш кийимларига; инсоннинг ижтимоий ҳолатига қараб бойлар ва камбағаллар кийими; ҳудудий ва табиий-иқлимий шароитига қараб тоғликлар, дашт ҳудудида яшовчилар, шаҳарликлар ва қишлоқликлар кийими; мавсумга мос равишда баҳорги, ёзги, кузги ва қишки кийимларга бўлинади¹.

Туркманларнинг миллий либосларидаги асосий элементлар, бичими, ишлатиладиган мато ва номланиши билан, Ўрта Осиё ҳудудларида яшовчи бошқа халқлар: ўзбеклар, қорақалпоқлар, қozoқлар ва тожикларнинг миллий кийимларига хос бўлган ўхшашликларни учратиш мумкин. Бу уларнинг табиий географик жиҳатдан бир минтақада яшаб

⁶ Греки в Казахстане. - <https://www.greek.ru/news/diaspora/25322/>. – 09.12.2023.

¹ Давлатова С. Қашқадарё миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик. –Т.: “Янги авлоди”, 2006. –Б. 49.

келганликлари, маданий жиҳатдан ривожланишларида ва уларнинг этногенизларида умумийлик борлигидан далолат беради².

Туркманларнинг асрлар давомида воҳада яшовчи маҳаллий аҳоли билан бир ҳудудда яшаб келганликлари, моддий маданиятнинг барча бўғинларида жумладан, кийимларининг кўринишида, тикилишида, безалишида ва бошқа элементларида ҳам ўзгаришлар юз берганлигини кўриш мумкин. Лекин, туркман аёлларига хос узун куйлак кийиб юриш, ҳар хил кўриниш ва ўлчамга эга бўлган гул ёқали куйлаklar кийиш ва матолар танлашда ёшга қараб ранг танлаш одатлари ҳозиргача сақланиб қолган. Қўшни Туркменистон республикасида аксарият аёллар илгаридан қоматлари чиройли кўриниши учун миллий зей урилган ёқали куйлаklarни тор ҳолда кийишга эътибор қаратганлар. Бухородаги туркман аёллари улардан фарқ қилиб, устки кийимларини кенг тарзда, енглари узун бўлган ҳолда кийишга аҳамият берганлар. Чунки, азалдан Бухоро аҳолиси исломий қонун-қоида ва урф-одатларга амал қилган ҳолда яшаб келганликлари сабабли, бу ҳолат ўз навбатида кейим-кечакларнинг ҳам ўзгаришига олиб келган. Миллийлик ўзида акс этиб турган бундай кашта ёқали куйлаklarни бугунги вақтда воҳадаги барча туркман аёллари ҳам киймайдилар. Бунга сабаб, туркманларнинг Бухоро ҳудудларига кўчиб келганларига узоқ вақт бўлганлиги, маҳаллий аҳолининг ичида тарқоқ ва аралашган ҳолда истеъқомат қилиб келганликлари, қолаверса, шу ерлик ўзбек ва тожик миллатига мансуб бўлган аҳоли билан бирга никоҳ қурганликлари боис, минтақага хос бўлган кийимларни кийганлар. Лекин, сон жиҳатдан кўп, тиғиз ҳолда яшаб келаётган Бухоро туманидаги “Янги турмуш”, Когон туманидаги “Оқчамамат”, “Паракти”, “Сурхиён”, Ромитон туманидаги “Қоқиштувон”, Олот туманидаги “Қирлишон” қишлоқларидаги аксарият ўрта ёшни қаршилаган туркман аёллари ва қариялар бугунги кунда туркманча *гул ёқа куйлаklarни*, бош кийим *тахяни*, (эркаклар ҳам кийишади), ҳар хил кўриниш ва бичимга эга бўлган *дўн (тўн)* ва турли хил рангдаги *ёринжагулли* деб номланган рўмолларни оила даврасида, туй ва байрамларга кийиб боришади. Шунингдек, ҳозирги вақтда, туркманларнинг миллий кийим ва тақинчоқларини қардош Туркменистон республикасида келин бўлиб тушган аёллар тақиб келишмоқда³.

Туркман аёллари куйлагининг олд тамонида *v* шаклидаги кесма ўтган бўлиб, бу кесма кийимнинг ёқа қисмидан бошланиб, кўкрак қисмигача

² Толстова С.П., Жданко Т.А., Абразона С.М., Кислякова Н.А. Народы Средней Азии и Казахстана. Москва, Издательство академии наука СССР, 1963. –С. 68.

³ Дала ёзувлари. Бухоро вилоят, Бухоро туман, Қоражери-1 қишлоғи. 2022 йил.

давом этган. Кесманинг ҳар иккала томонида катта ёки кичик анор, жийда, қалампир гулли нақшли кашталар тикилган. Каштали ёқалар матога қўл меҳнати ёрдамида ёки дастгоҳ орқали тикилиб, куйлақлардаги гул ёқалар кенг ёки тор кўринишга эга бўлган⁴. Тикиш-бичишдан хабардор бўлган айрим туркман аёллари, Бухоро ҳудудида махсус матога ёқа тикадиган тикув дастгоҳи бўлмагани учун, гулли ёқаларни қўлда тикганлар. Аммо, XX асрнинг 70-80 йилларида Туркманистонда турли ўлчам ва кўринишга эга бўлган гулли ёқани матонинг ўзига тикадиган дастгоҳларнинг кўпайиши натижасида, ушбу ҳудуддан тайёр ҳолдаги гул ёқа босилган материалларни ёки гул ёқали кийимларни бозорлардан харид қилганлар. Пандемия бўлиб ўтган даврда, қўшни Туркманистон республикаси ҳудудига ўтиш бирмунча қийин кечганлиги сабабли, Бухоро ҳудудида яшовчи туркман аёллари илгари ўзлари харид қилиб олиб келган ёқа гулли кийимларни кийиш билан чекланиб қолган эдилар. Бугунги кунда яна икки қардош миллат вакиллари ўртасида савдо-сотиқ, бориш-келиш қайта йўлга қўйилганлиги ёқа гулли матоларни олиб келишга имкон туғилмоқда.

Туркман аёллари куйлақларини атлас ёки ярим атлас матолардан, баъзи бир хил рангдаги қизил сатин матодан тикадилар. Умуман олганда, улар, кўпроқ оқ, жигар ранг, яшил, сариқ ва бир хил рангдаги кўйлақларни тикиб киядилар. Тикиладиган кийим учун афзал деб кўриладиган ранглар, тўрт хил унсур – олов, тупроқ, ҳаво ва сув рамзи бўлиб келган қизил, оқ, сариқ, яшил ранглар кўпроқ ишлатиб келинади⁵. Дарҳақиқат, бугунги кунда турмушга чиқгунга қадар туркман қизлари, кўпроқ кўзга ташланадиган ёрқинроқ рангдаги қизил, очиқ кўк матолардан фойдаланган ҳолда кийим тикиб киядиган бўлсалар, турмуш қурганларидан сўнг, каштали, зарли ва гул нақшлари туширилган оч қизил ва сариқ рангдаги кийимларни кийиш урфга айланган. Ёши катта аёллар эса оддийроқ кийинадилар, улар асосан оқ ва кўк рангдаги матолардан кийим тикиб кийишади⁶.

Аёлларнинг бош кийимлари бошқа туркий халқларнинг бош кийимларидан ранг-баранглиги, шакли, тақинчоқ ва безакларининг кўплиги билан ажралиб туради. Бош кийимлари ва соч турмақларига қараб, қиз болани турмушга чиққан келинчакдан, келинчакларни ўрта

⁴ Толстова С.П., Жданко Т.А., Абразона С.М., Кислякова Н.А. Народы Средней Азии и Казахстана. Москва, Издательство академии наука СССР, 1963. –С. 87.

⁵ Atanova Snezhanna. “Imagined commuity” and Turkmen artisanry: a day in the altyn asyr bazaar. / Bulletin of the international institute for central Asiya studies. Samarqand 2021. –P. 87.

⁶ Дала ёзувлари. Бухоро вилоят, Бухоро туман, Қоражери-1 қишлоғи. 2022 йил.

ёшдаги аёллардан, ўрта ёшдаги аёлларни эса, кекса аёллардан ажратиш мумкин бўлган⁷. Бундай фарқли жиҳатларни кўпроқ туркман аёлларининг бош кийимларида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, туркман қизлари турмушга чиққунларига қадар, бош кийим сифатида таҳя кийиб юрганлар. Аёлларнинг таҳяси билан эркакларнинг таҳяси ўртасида умумий ўхшашлик жиҳатлари кўп бўлсада, фақатгина бир жиҳати, яъни бош кийимини безаш учун ишлатиладиган зейнинг ранги билан фарқланиб туради. Аёллар бош кийимида кўпроқ қизил гул ва кўз мунчоқ тасвири туширилган бўлиб, таҳяда оқ, қизил, сариқ, ранглар яққол кўзга ташланиб туради. Эркаклар таҳясида асосан оқ ва сариқ рангдаги зейлар муҳим ўрин тутиб келади. Туркманларда қизил ранг тириклик, хайрлик ва гўзаллик рамзи бўлиб келганлиги учун ҳам, аёллар кўпроқ қизил рангдаги кийим-бошларни кийиб юрадilar. Турмуш қургандан сўнг, аёллар рўмол боғлашни одат қилиб оладилар. Рўмол ранги ва уни боғлаш усули ҳам ёшга қараб танланиб, ўрта ёшга етгунга қадар аёллар бир қават рўмол боғлаб келган бўлсалар, ёши катталар эса, рўмолнинг устидан яна бир рўмол боғлаб юришган⁸. Рўмол устидан ёпиладиган ёки ўраладиган катта рўмолни туркманларда “*ёринжагулли*” деб, маҳалли аҳоли эса “*чалма*” деб номлашган. Рўмол анъанага кўра квадрат ёки тўғри тўртбурчак шаклда, бошнинг усти бўйлаб бўйин қисми билан боғланган. Квадрат шаклидаги “*ёринжагулли*” рўмолни ўраш туркман аёллари орасида кўп учрайди⁹. Туркман аёлларининг рўмол ўрашлари билан ўзбек аёлларининг рўмол ўрашлари бир-биридан фарқ қилган. Ўзбек аёллари рўмолни бошга ташлаб ўрасалар, туркман аёллари рўмолни соч билан қўшиб, ўраб боғлашган. Ҳозирги вақтда рўмолни бундай усулда боғлаш одатини кўпроқ, Туркменистон республикасида Бухорога келин бўлиб тушган аёллардагина кўриш мумкин.

Туркман эркакларининг миллий бош кийими бўлиб келган, баланд мўйнали *чўғирма* XIX аср охирида Бухородаги маҳаллий аҳолининг маданияти ўзлаштирилиб борилиши оқибатида *салла* билан алмаштирилган¹⁰. XX аср 30-йилларида совет тузумининг ислом дини ва диний қадриятларга қарши аёвсиз кураш олиб бориши натижасида, туркманлар томонидан маҳаллий аҳолидан ўзлаштирилган салла бош кийими, бошқа халқлар билан бир вақтда телпакга (кулранг ёки оч-жигарранг қорақўл теридан тикилган) алмаштирилишига олиб келган.

⁷ Давлатова С. Қашқадарё миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик. –Т.: “Янги авлоди”, 2006. –Б. 79.

⁸ Дала ёзувлари. Бухоро вилоят, Бухоро туман, Чорраха қишлоғи. 2022 йил.

⁹ Абдуллаева У. Аёллар бош кийими. // *Moziydan sado*. –Т.: 2011. 3 (51). –Б. 41.

¹⁰ Olufsen O. The emir of Bokhara and his country. London, William Heinemann, 1911. –P. 295.

Қишнинг совуқ, изғирин кунларида телпакнинг тагидан таҳя кийиб юришган. Бугунги кунда туркманларнинг миллий бош кийими бўлган таҳя, Бухоро воҳасидаги туркман оилаларида уни кейиб юриш урфга айланмаган бўлсада, тўй, байрам ва таъзия кунлари камдан-кам ҳолатда аҳоли таҳяни кийиб келмоқда.

Эркакларнинг уст киймларидан бири дўн (тўн) ҳисоланиб, у маҳаллий барча этнослар томонидан оммавий равишда кийилган ва энг кўп тарқалган кийим ҳисобланади. Мазкур устки кийимлар учун умумий бўлган жиҳат, уларнинг олд томони очиқ қилиб тикилишидир¹¹. Туркманлар тўни тикилиши, ранги, безаклари ва тури билан бошқа халқларнинг тўнидан фарқ қилади. Хусусан, туркман эркакларининг тўнини тикишда, бўйин қисмидан этак қисмигача тўлиқ зей юрғизилган. Яна бир хусусиятларидан бири тўннинг икки ёнида алажа (кўз тегмасин деб бир нечта оқ-қара кашталарни бириктириб тўқилган) ип *баржиқ* (*боғич*) бўлиб, юрган пайт тўн очилиб кетмаслиги учун, у боғлаб қўйилган. Бахмал матодан тикилган тўнлар тўй-базмларда, сатиндан тикилгани эса уй ичида кийиб юрилган бўлса, читдан тикилган тўнларни овқат таёрлаётганда қозон-ўчоқ атрофида кийганлар. Янги турмушдаги Қоражери қишлоғида бугунги кунда ҳам, ёши кекса туркман аёллари томонидан уйда қўл меҳнати ёрдамида эркаклар ва аёлларнинг устки тўнларни кийиб келмоқдалар.

The Turkestan region in the works of English-speaking authors – the analyses of the changes in the social structure of the indigenous population

Т.Т.Ташкенбаев

Доцент кафедры Ўзбек (рус) тили
Ташкентский государственный транспортный университет

Many scientists from different parts of the world have been studying the history, culture, socio-economic situation of the peoples of Central Asia. For example, Jeffrey Edleston Wheeler's works on the development of the Central Asian region are very popular. Jeffrey Edleston Wheeler (1897 - 1990) was born in Kent, England¹. In 1926, Wheeler served in Mashhad, Iran, as the British military attaché, and from 1928 to 1931 he was in Iraq. Wheeler spent the next

¹¹ Атаханов Р. Фарғона водийси қорақалпоқларида этноинтеграция жараёнлари. Андижон. 2022. –Б. 100.

¹ Will Myer. Islam and Colonialism: Western Perspective on Soviet Asia. London: Routledge Curzon, 2002. p. 103

МУНДАРИЖА

I. ҚИСМ.

ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДИДА КЎП МИЛЛАТЛИЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ДИАСПОРАЛАР ТАРИХИ.

| | |
|---|----|
| Ф.Ф.Турсунов. Суғдийларнинг ўзбек ва тожик миллатларини шаклланишидаги ўрни. | 6 |
| О.Бўриев, Ф.Самаров Қуйи қашқадарё худудидаги тарихий-меъморий ёдгорликлар бағрикенглик омили сифатида..... | 12 |
| Sh. Q.Rahmanova Islom dini bilan bog'liq diniy qadriyatlar va an'analar tarixi | 17 |
| З. Х. Туймурадов Бир туркий уруғ тарихи изидан..... | 24 |
| Р.Х.Муртазаева Влияние миграционных процессов на трансформацию национального состава населения узбекистана в советской период..... | 31 |
| А.Х.Рахманкулова Греки центральной азии: прошлое и настоящее | 39 |
| А.И.Тўраев Бухоро туркманлари миллий кийим-бошларининг ўзига хослиги..... | 44 |
| Т.Т.Ташкенбаев The Turkestan region in the works of English-speaking authors – the analyses of the changes in the social structure of the indigenous population | 48 |
| Н.А.Ядгарова Ўзбекистон графикасида кўп миллатли рассомлар ижоди..... | 53 |
| Д.В.Рахимбаева Ўзбек дипломатияси тарихидан..... | 58 |
| А. I.Ismoilov Markaziy Osiyodagi polietnik tarkibning vujudga kelishida migratsion jarayonlarning ahamiyati..... | 63 |
| Я.Р. Турабоева Халқ амалий санъатида маданиятлараро мулоқотнинг акс этиши..... | 70 |
| Х.С. Сулайманов XIX-XX асрларда Тошкент воҳасида турфа миллатлар диаспорасининг шаклланиши..... | 76 |
| Д.Д. Элова Туркистон тараққийпарварларининг янги техникалар ва уларнинг ўлка бўйлаб тарқалишидаги роли..... | 83 |
| А.Х.Nigmatov, S.Sh.Tilabjonova Ikkinchi jahon urushi davrida o'rta osiyoga ko'chirib keltirilgan xalqlarning hududimizdagi ko'p millatli milliy tarkibning shakllanishiga ta'siri..... | 87 |
| М.М.Абдуллаева Этник стереотипларнинг ижтимоий аҳамияти ва унинг миллатлараро муносабатларга таъсири..... | 92 |
| М.Б. Утебаев К вопросу ассимиляции каракалпаков с другими народами: некоторые этнополитические процессы..... | 97 |